

Бардам бўлинг... Баённоманинг учта жойига накшинокор имзо кўйиб, инспекторга хайдовчилик гувоҳномамни топширдим. Асабим бузилган холда машинамга ўтирдим. Тўғри, айб ўзимда. Салгина хушёрликни кочириб, коидани буздим, ammo инспектор ҳам бир сафар огохлантириб кўйса-ку, бўларди! Майли, нима бўлгандан ҳам, мана энди, бир неча энг кам иш хакидан воз кечишга тўғри келади. Молиявий ахволим-ку шу кунларда унчалик ҳам яхши эмас. Тижоратим юришмай турибди. Шу ҳисоб-китоблар хакида ўйлаб хушёрликни кочирган эдим, аслида.

Мана энди, муаммо устига яна муаммо! Бу муаммолар қачон битар экан?!

Шундай хаёллар хакида ўйлаб, турмушимдан ўзимга ўзим нолиб, машинамда кўзлаган манзилимга ҳам етиб келибман. Бувамларнинг уйи. Саксон олтига кирган бувамизнинг шу кунларда товлари яхши эмас. Шу сабабдан ҳам уй дарвозасидан кариндошларимизнинг бири кириб, бири чикиб турибди. Хар куни бир неча киши суннатга риоя қилиб, касалнинг зиёратига келишади, у кишини ганимат билиб, суҳбатига интизор ўтиришади. Мен ҳам одоб билан ўшалар каторидан жой олдим.

Бувамиз хаётидаги турли воқеаларни ибрат учун бирин-кетин айтиб ўтирар эди. Мен эса ўзимнинг муаммоларим билан овора. Қачон бу муаммолардан кутуламан-у, ҳаммага ўхшаб сокин хаёт кечираман деб ўтирардим. Шунда бобомнинг бир насихатлари қулогимга чалинди-ю, барча хаёлларим пучга чикарди:

«... одам шунча ёшга кирсам ҳам, Аллохнинг синовлари тугамас экан...»

Ана холос, муаммоларим хали-бери тугамайдиганга ўхшайди.

* * *

Анбиё сурасида Аллох таоло шундай марҳамат қилади:
«Қуллу нафсин зааикотул-мавти ва наблукум бишшарри вал-хойри фитнатан ва илайнаа туржаъуун».

Маъноси: «Хар бир жон ўлимни татиб кўргувчидир. Биз сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтихон учун синаймиз ҳамда бизгагина қайтарилурсиз». (Анбиё сураси 35-оят)

Ушбу ояти қаримада Аллох таоло «наблукум» сўзини қўллади. Бу сўз «балаа» – «синамок» сўзининг ҳозирги-келаси замондаги кўринишидир. Грамматик коидаларга асосланиб, уламоларимиз бу сўз орқали Аллох таоло инсонларни хаёти давомида кетма-кет имтихон билан синаши хакида огохлантирмоқда дейишган.

Бу синовлар инсон бошига нафакат олдин ва кетин, балким яхшилик ва ёмонлик кўринишида ҳам келиши мумкинлиги айтилган. Хаётимизда учрайдиган нафакат касаллик, ишсизлик ва хоказо каби салбий ходисалар, балки яхшиликлар ҳам биз учун имтихон экан. Бизнинг канчалар шукрли эканимизни синаш учун юборилган синовлардир улар.

Юқоридаги оятдан ҳар бир инсон то ўлиб, Аллоҳ таолога қайтадиган қунигача турли синовлар билан кетма-кет синалиб туришини ўрганиб олдик. Аммо шу инсонларнинг орасида энг кўп синовга учрайдиганлари қимлар?

Саъд ибн Абу Ваккос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда, у зот Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан инсонлар орасида энг оғир синовга дучор бўладиганлар қимлар деб сўраганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) аввал пайгамбарлар, кейин одамларнинг энг яхшилари, сўнгра кейинги табақа яхшилар. Ҳар бир инсон ўзининг иймони даражасига кўра синалади, деганлари айтилган.

Қуръони Қаримнинг Бақара сурасида Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом) ҳақида эслатиб, шундай дейди:

«Ва из ибтилаа Ибраахийма Роббуху бикалимаатин фа атамма хунна».

Маъноси: «Иброҳимни Роббиси қалималар ила синаб кўрганда, у уларни батамом адо этганини эсла!» (Бақара сураси 124-оят)

Ушбу ояти қаримада, Аллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни «ибтилаа» қилганини айтади. «Ибтилаа» сўзи «балаа» – синамок сўзининг энг қийин, юқори даражадаги кўринишидир. Яъни Аллоҳ таоло уни оддий синовлар билан эмас, энг қийин синовлар билан синаган. Аллоҳ таоло оятнинг давомида «фа атамма хунна» дейди. Бунинг маъноси Иброҳим (алайҳиссалом) ўзига юборилган барча энг қийин ва энг оғир синовлардан муваффақиятли ўтди, уларни батамом адо этди, «беш олди» дегани. У барча синовларга керагича ёндашиб, ўзидан сўралган амалларни тўғри бажарди.

Деярли барча ота-оналар ўзлари учун ҳаётдаги энг оғир синов ҳақида сўралганида фарзанддан айрилиш эканлигини айтишади. Иброҳим (алайҳиссалом) кексайган вақтида фарзандли бўлди. Шунга қарамай, Аллоҳ таоло унга фарзанди ва хотинини қимсасиз саҳрода ҳатто бир сўз демай ёлғиз ташлаб кетиши кераклигини буюради. Овқатсиз, сувсиз, керакли жихозларсиз, ҳеч нарқасиз. Саҳронинг ўртасида бундай қолиб кетишлик деярли ўлим дегани эди.

Иброҳим (алайҳиссалом), уларни саҳрода қолдириб, ортга қайтиб кетаётганида нима деганини эсланг:

«Алҳамду лиллаҳиллазий вахаба лии аълаа ли-қибари Исмаъийла ва Исхаако инна Роббии ласамиъу ддуъаа.

Маъноси: «Кексалиқ пайтимда менга Исмоил ва Исҳоқни ато қилган Аллоҳга ҳамд

бўлсин. Албатта, Роббим дуони эшитгувчидир». (Иброхим сураси 39-оят)

Иброхим (алайхиссалом)нинг барча синовлардан муваффақиятли ўтишининг асосий сири, муваффақият қалити ушбу дуода ўрин олган. Бу шукрдир. У ўз фаразандидан айрилаётганига қарамай, Аллохга ҳамд айтди, ўзига аввал берилган неъматлар учун шукр қилди.

Ушбу воқеани яхшилаб ўрганиб, ундан ўзимиз учун фойдали сабоқ олишимиз мумкин: қачонки Аллох таоло бизни қийинчилик билан синаса, биз, авваламбор, Аллох таолонинг бизга берган неъматлар учун Унга шукр қилмоғимиз кекак. Шундагина ушбу қийин синовлардан Иброхим (алайхиссалом)дек муваффақиятли ўтиб оламиз, иншааллох.

Яна бир нарсани унутмангиз: сиз қанча кўп шукр қилсангиз, сизга яна шунча кўп неъмат берилади:

«Ва из тааззана Роббукум лаин шакартум лазийданнакум ва лаин кафартум инна ъазаабий лашадийд».

Маъноси: «Ва Роббингиз сизга: «Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир», деб билдирганини эсланг». (Иброхим сураси 7-оят)

* * *

Вакт ўтиб, муаммоларим ўз-ўзидан ечилиб кетди. Аллох таоло ишларимга барака бериб, жаримани тўлаб, гувоҳномани ҳам олдим. Бошқа ишларим ҳам юришиб кетди. Ана энди, синовлар битди, тугади. Энди бу ёғи фаровон ҳаёт, худо хоҳласа, деб ўйлаб юривдим, Аллох таолонинг «ва наблукум бишшарри вал-хойри фитнатан», яъни Биз сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтиҳон учун синаймиз, деган ояти қаримаси эсимга тушди. Демак, аввалги қийинчиликларим синов эмас, бу фаровон ҳаётим ҳам Аллох таоло томонидан берилган яхшилик қўринишидаги синов экан. Ҳа, синовлар ҳали-бери тугамас экан.

Аллох таолодан ҳаётимиздаги ёмонлик қўринишидаги синовлардан сабр билан, яхшилик қўринишидаги синовларга шукр қилиб, Иброхим (алайхиссалом)дек ўша синовларни батамом адо этишликни, ушбу дарсдан кераклича сабоқ олиб ва ҳаётимизга тадбиқ қилишимиз учун тавфиқ беришини сўраймиз, Омийн!